



Шайхул-ислом Ибн Таймийя шундай дейди: «Одамлар кўлида мавжуд бўлган тафсирларнинг энг яхшиси Мухаммад ибн Жарир Ат-Табарийнинг тафсиридир. Унда салаф уламоларининг кавллари ишончли санадлар билан келтирилган, унда бидъат йўк, Мукотил ибн Бакир, Калбий сингари муттахамлардан ривоятлар накл килинмаган». («Фатово Ибн Таймийя», 2-ж. 192-с.)

«Жомиул-баён фий тафсирил-Куръон» тафсирининг муаллифи Абу Жаъфар Мухаммад ибн Жарир ибн Язид ибн Касир ибн Голиб ат-Табарий улуг имом, мужтахид, кўплаб машхур асарларнинг сохиби бўлиб, 224 хижрийда Табаристонда тугилган. 236 йилда, яъни 12 ёшида илм истаб шахридан чикиб кетади, кўп юртларни кезади, Мисрда, Шомда, Ирокда илм ўрганади ва илм талабидаги сафарини Багдодда тугатиб, умрининг охиригача шу ерда истикомат килади. Унинг вафот этган йили 310 хижрийдир. Ибн Жарир машхур уламолардан бири бўлиб, хам асрлари орасида унга тенг келадиган киши йўк эди. Маърифатли, ўткир фикрли, Аллохнинг каломини ёд олган, мазмунини чуқур тушунган, хукмларини яхши билган факих, Пайгамбар суннатини, унинг сахиҳ ва гайри сахиҳини, ровийларининг ишончли ёки ишончсизини яхши ажратадиган олим, тобеинларни ва уларнинг хукмлардаги мухолифларини хам фарк киладиган ўта фаросатли киши эди. Ибн Жарир хакида Ал-Хатиб ал-Багдодий «зийрак олим» деб баҳо берган эдиг Абул-Аббос ибн Сурайж эса «факих олим» деб мактаган эди. Чунки Ибн Жарир кироат, тафсир, хадис, фикх ва тарих сингари жуда кўп илм сохаларида калам тебраттан, ижод этган эди. Унинг асарларидан: биз кўриб чикаётган тафсир, «Миллатлар ва подшоҳлар тарихи», «Кироатлар китоби», «Сон ва Куръон», «Уламолар ихтилофи китоби», «Сахобийлар ва тобеинлар китоби», «Ислом шариати хукмлари китоби», «Усули динга чуқур назар китоби» ва бошка асарлари Ибн Жарир илмининг нақадар чуқурлигидан далолат беради. Бирок бу китоблардан бизга етиб келгани факат Тафсир китоби ва Тарих китобидир.

Олимлар орасида Ибн Жарир Ат-Табарий тарихнинг отаси деб тан олинганидек, тафсирнинг отаси деб хам тан олинган.

Ибн Халгон айтади: «Шубхасиз, Табарий мужтахид имомлардан эди. У ҳеч кимга таклид килмаган».

Шайх Абу Исхок аш-Шерозий «Фий Табакотил мужтахидин» китобида Табарийни мужтахидлар жумласидан эканини айтиб, шундай ёзган: «Табарийнинг ўз мазхаби ва унга эргашувчилари бўлган, уни «Ал-Жарийрия» деб номлаган. Табарий бу мазхабни

узок бахслардан сўнг тузган, одамлар орасидан унинг мазхабини кувватловчилар ҳам топилган, лекин кўплаб Ислом мазхаблари сингари бу мазхаб бизнинг замонамизгача етиб келмаган. Айтишларича, Ибн Жарир мужтахидлик даражасига етмасдан аввал Имом Аш-Шофеий мазхабида бўлган. Ибн Ас-Сабукий «Ат-табакотул-кубро» китобида ёзишича Ибн Жарир шундай деган: «Мен бошка мазхаблардан Аш-Шофеий мазхабини афзал деб билдим ва Багдодда ўн йил ушбу мазхаб бўйича фатво бердим. Мендан бу мазхаб илмини Абул Аббос ибн Сурайжнинг устози Ибн Башшор ал-Ахвал ўрганди». Имом Суютий «Аттабакотул-муфассирин» китобида ҳам Ибн Жарирнинг аввал Шофеий мазхабида бўлганини, кейин ўзига мустакил бир мазхаб тузганини, унинг ҳам таклидчилари ва тобелари бўлганини, унинг мазхабида ҳам танловлар ва таги бўш масалалар бўлганини ҳамда Ибн Жарир шариат усуллари ва фуруълари хусусида жуда кўп китоблар ёзганини айтади.

Ибн Жарирнинг тафсири накли тафсирлар орасида энг машхури ва энг ишончлиси бўлиш билан бирга, аклий тафсирлар орасида ҳам энг мўътамад ва мўътабар тафсир хисобланади, чунки унда ҳам ижтиҳод килиш, гапларнинг кувватлисини кучсизидан таржих килиш, бахс килиш ва фикрлар баён этиш сингари аклий тафсирларда бўладиган хусусиятлар мавжуддир.

Ибн Жарирнинг тафсири 30 жуз бўлиб, жуда катга хажмга эгадир. Бу тафсир йўқолган, якин вақтгача ҳам топилмаган эди. Аллох уни яна тақдир килди. Нажд амирларидан Хамуд ибн Ал-Амир Абдуррашид даврида мазкур тафсирнинг мукамал кўлёмаси топилди ва китоб холида нашр этилди.

Агар биз Ислом уламоларининг Ибн Жарир тафсири хақидаги фикрларини кузатсак, Шарку Гарб олимларининг ҳаммаси бу тафсирга юксак баҳо бериб, хар қандай тафсир толиби бу тафсирни кўрмаса, мақсади хосил бўлмаслигини айтганлар.

Имом Суютий раҳматуллоҳи алайҳ мазкур тафсир хақида шундай деган: «Мухаммад ибн Жарирнинг тафсир китоби тафсирларнинг энг улугидир, чунки унда таржийхоту тавжийхот, эъробу истинбот мавжуд бўлиб, шу жихати билан ўзидан олдинги тафсирлардан ажраб туради». (Ал-Иткон, Суютий, 2-ж. 190-с.к қилганлар).

Абу Хомид Исфаройиний: «Агар бирор киши, Табарий тафсиридан ортиқрогини топаман деб, Хитойгача борса ҳам, бу сафар унинг учун кўп эмас» («Мўъжамул удабо», 18-ж. 42-с.) деган.

Шайхул-ислом Ибн Таймийя шундай дейди: «Одамлар кўлида мавжуд бўлган тафсирларнинг энг яхшиси Мухаммад ибн Жарир Ат-Табарийнинг тафсиридир. Унда салаф уламоларининг қавллари ишончли санадлар билан келтирилган, унда бидъат йўқ, Мукотил ибн Бакир, Қалбий сингари муттаҳамлардан ривоятлар накл қилинмаган». («Фатово Ибн Таймийя», 2-ж. 192-с.)

«Лисонул - мезон»нинг муаллифи шундай ривоят қилади: «Ибн Хузайма Ибн Холуядан Ибн Жарирнинг тафсирини сўраб олади ва бир неча йилдан кейин омонатни эгасига топшираётди шундай дейди: «Мен Ибн Жарирнинг тафсирини бошидан охиригача кўриб чиқдим ва Ер юзида Имом Жарирдан олимрок одам йўқлигига амин бўлдим».

Манбаларнинг шохидлик беришича, Ибн Жарирнинг тафсири хозир кўлимизда мавжуд бўлганига нисбатан кенгрок бўлган, кейинрок муаллифнинг ўзи томонидан мухтасар қилинган. Ибн Ас-Сабукий «Ат-табакотул-кубро»(2-ж. 137-с.) китобида ёзишича, Абу Жаъфар ўз шогирдларидан:

«Куръон тафсирини ўқиб чиқасизларми?» деб сўради. Улар:

«Бу тафсир неча варақ?» дейишди. Абу Жаъфар: «Ўттиз минг варақ» деганда,

шогирдлари: «Бу китобни тамом ўқишга умримиз етмас экан» дейишди. Абу Жаъфар тафсирни уч минг варақлик мухтасар холга келтирди. Яна бир кун шогирдларидан: «Одамнинг яратилишидан то hozirги кунимизгача бўлган олам тарихини ўқиб чиқасизларми?» – деб сўради. Улар канча варақлигини сўрадилар. Абу Жаъфар тарих китобини ҳам ўттиз минг варақ эканлигини айтди. Шогирдлар уни ҳам кўп деганларидаи сўнг: «Инна лиллахи, хаммаларингда ҳам химмат ўлибди», деди. Демак, Ибн Жарирнинг тафсири тарихий жихатидан ҳам биринчи, илмий жихатидан ҳам биринчидир. Тарихий жихатидан биринчилиги шундаки, бизгача етиб келган ва кўлимизда мавжуд бўлган энг қадимги тафсир ушбу тафсирдир. Бундан аввалроқ тафсирлар ёзилган бўлса ҳам, замонлар ўтиши билан йўқ бўлиб кетган, бизгача етиб келмаган. Илмий жихатдан биринчилиги шундаки, бу тафсир халқчил ёзилиши, бадиий гўзаллиги, мукамаллиги билан халқ эътиқодини, мухаббатини қозона олган.

Биз Ибн Жарирнинг тафсири хақида уламолар фикрини билдик. Энди ўқувчига бу тафсирнинг афзаллиги, муфассири эса муфассирларнинг афзали эканлиги, барча муфассирлар мазхаблари бошқа, танлаган йўллари турлича бўлишига қарамай унга такрор-такрор мурожаат қилишларининг сири нимада эканлиги маълум бўлсин учун Ибн Жарирнинг тафсир қилиш услуби хақида баён қиламиз.

Ибн Жарирнинг тафсири ўзига хос аниқлик билан ёзилган. Бу тафсирни аста варақласангиз, биринчи бор кўзга ташланадиган нарса тафсирига қиришмоқчи бўлган оятни: «Аллох таолонинг бу-бу оятлари таъвили хусусидаги гап» ибораси билан таништиришидир. Ундан кейин эса оятнинг мазмунини шархлашга ўтади ва бу оятлар хусусида саҳобийлардан, тобейлардан ривоят қилинган нақлий ҳадисларни ҳужжат сифатида келтиради. Агар бир оятнинг мазмунида икки ёки ундан ортиқ фикр мавжуд бўлса, ҳар бирини алоҳида келтириб, бу фикрларни тасдиқловчи ривоятларни саҳобалар ва тобейлардан алоҳида-алоҳида ривоят қилади. Ривоятларнинг ўзи билан қифояланмасдан уларнинг ҳар бирини таҳлил қилиб, икки фикрдан қайси бири қувватли эканлигани таржик қилади. Шунингдек, агар зарурат такозо қилса, баъзи оятлардан ҳукмлар ва ҳулосалар ҳам чиқаради.

Ибн Жарир мустақил фикр билан тафсир қиладиган «асхобур-рай» муфассирлар билан доимий муҳосама ва мунозара қилади. Унинг фикрича, ҳар бир муфассир тафсирда саҳобий ёки тобейнинг илмига, ундан нақл қилинган ривоятларга, албатта, мурожаат қилиши шарт. Саҳих тафсирнинг аломати ёлғиз шудир. Масалан: «Юсуф» сурасининг 49-ояти: «Сўнгра ўша (қаҳатчилик йиллари)дан кейин бир йил келурки, унда одамлар ёгингарчилик остида қолурлар ва (турли мевалардан) шароб тайёрлаб олурлар», оятининг тафсирида Ибн Жарир салаф уламоларидан тавжийхотлар ривоят қилиб, қироатлар тўғрисида зарур бўлган фикрларни айтиб бўлгандан кейин, оятни ўз райи билан тафсир қиладиган, лугатни билишидан бошқа нарсага эътимод қилмайдиган муфассирга раддия бериб, унинг фикрини бутунлай ботил қилади ва шундай дейди: «Араб тилини билишига асосланиб ўз райи билан Куръонни тафсир қиладиган ва аҳли таъвил салаф уламоларининг илмларидан беҳабар бўлган баъзи кишилар юқоридаги оятнинг (шароб тайёрлаб оладилар) жумласи маъносини ёмгир сабаби билан қаҳатчилик ва қурғокчиликдан нажот топадилар, деган маънога бурадилар ва «****» нинг ўзаги «сиқиш» маъносидаги «усур, асур, уср» масдаридан эмас, балки «нажот» маъносидаги «асар» масдаридан олинган, деб гумон қиладилар. Оят маъносининг бундай таъвили саҳобийлар ва тобейлардан нақл қилинган маънога бутунлай хилофдир. Баъзида Ибн Жарир Мужохид ёки Заххок сингари муфассирлар, хатто Ибн Аббосдан

накл килган муфассирлар ривоятларига ҳам ўз муносабатларини билдириб, раддия берган. Масалан: «Бакара» сурасининг 65-оятини: «Орангиздан шанба кунда хаддидан ошган кимсаларни билдингиз. Бас, биз уларга: «Бадбахт маймунларга айландингиз», дедик», оятининг тафсирида шундай дейди; «Менга Ал - Мусанно Абу Хузайфадан, у Шиблдан, у Ибн Абий Нажихдан, у Мужохиддан ривоят килган хадисда Мужохид мазкур оятни тафсир қилиб, деди: «Уларнинг ўзлари маймунга айланган эмаслар, калблари маймунникидек (бехис, беймон) қилинган. Аллохнинг бу сўзи зарбулмасал бўлиб, «устига китоб ортилган эшак»нинг зарби масалидекдир». Кейин Ибн Жарир Мужохиднинг тафсирига раддия бериб, шундай дейди: «Мужохид айтган гап АЛЛОХНИНГ каломидан очик-ойдин англашилган маънога бутунлай хилофдир». (Тафсири Ибн Жарир, 1 ж. 252-253-с.) «Бакара» сурасининг 229-оятини: «Бу Аллохнинг конун-чегараларидир. Бас, улардан тажовуз қилиб ўтмангиз! Ким Аллохнинг чегараларидан тажовуз қилиб ўтса, ана ўшалар золимлардир», оятининг тафсирида Ибн Жарир муфассир Заххокдан: «Кимки идда муддатини риюя қилмасдан хотинини талок қилса, у тажовуз қилган ва ўз нафсига зулм қилган бўлади, кимки Аллохнинг хадларидан тажовуз қилса, улар айни золимлардир» жумлаларини ривоят қилади ва кейин ўзи бу тафсирни қуйидагича изоҳлайди: «Заххокнинг ушбу гапига бу ердаги оят маъносининг ҳеч қандай алоқаси йўқ. Оятда талокни иддада қилиш кераклигига ва мана шу Аллохнинг хадди эканлигига ҳеч қандай ишора йўқ. Бу ерда талок қилувчи эрнинг яна ўз хотинига қайтиши неча талокда мумкин-у, неча талокда мумкин эмаслиги ҳақида айтиляпти, иддада талок қилиш ҳукми ҳақида эмас». («Тафсири Ибн Жарир» («Жамиул-баён»), 1-ж. 252-253-с.)

Қўриб ўтилганидек, Ибн Жарир ўз тафсирининг жуда кўп ўринларида муфассирлар ва ровийларнинг асоссиз ва далилсиз фикрларига ўз раддиясини бериб ўтади. Ибн Жарир ҳар бир ривоятини ровийлар санади билан келтирса ҳам, аксар ҳолларда ровийларнинг саҳих ёки заиф эканлиги тўғрисида ҳеч нарса демайди. Чунки хадис усулини яхши билган муҳаддис сифатида унинг фикрича, кимки сенга санад билан ривоят қилдим, ровийларнинг адолатли ёки нуксонли эканлигини қай даража билишда сени баҳсга тортган бўлади. Шунга қарамай, Ибн Жарир баъзи ҳолларда ўзининг ўта ҳассос мунаққид эканини намойиш этади, ровийларнинг адолатли ёки нуксонлисини очик баён этади, ривоятларнинг ишончсизини рад этади ва ўзининг муносиб фикр-мулоҳазасини билдиради. Масалан: «Каҳф» сурасининг 94-оятини: «Биз билан уларнинг ўртасига бир тўғон қуриб берурмисан?» (Каҳф, 94.) тафсирида Ибн Жарир шундай дейди: «Бу ҳақда, яъни син харфининг замма ва фатха холида «суддан», «суддан» ўқилишида Икримадан шундай ривоят қилинган: «Бизга Аҳмад ибн Юсуф Косимдан, Косим Хажжождан, Хажжож Хорундан, Хорун Айюбдан, у эса Икримадан ривоят қилишича, Икрима: «Одам фарзанди кўли билан қурилган нарса фатхалик син билан «суддан» кўринишда, Аллох кудрати билан бино бўлган нарса эса заммалик син билан «суддан» кўринишда ўқилади», деган. Икримадан ривоят қилинган ушбу хадиснинг ровийси Айюб Хорун ишончсиз одам, чунки ундан бирорта ҳам ровийлари ишончли бўлган хадис ривоят қилинмаган». («Тафсири Ибн Жарир» («Жамиул-баён»), 16-ж. 13-с.)

Ибн Жарир «ижмоул-умматни» жуда кадрлайди, Куръон оятларининг ижтиҳодий тафсирида уни биринчи ўринга қўяди. Масалан: «Бакара» сурасининг 230- оятини: «Агар эр ўз хотинини учинчи талок қўйса, бошқа эрга тегиб чикмагунча, унга ҳалол бўлмайди», тафсирида Ибн Жарир шундай дейди: «Агар бир одам: «Бошқа эрга тегиб

чикмагунча, унга халол бўлмайди», деган гапдан Аллох нимани ирода қияпти – никох, бу жинсий алоками ёки бир аёлнинг бир эркакка тегишими?» деб сўраса, «иккалови хам» деб жавоб берилади. Чунки талок қилинган аёл бир эркакка тегса, эркак у билан яқинлик қилмай талогини берса, аввалги ўз эрига ХАЛОЛ бўлмайди. Агар талок қилинган аёлга бир эркак никохсиз яқинлик қилса хам, у аёл ўз эрига халол бўлмайди. Бунга «Ижмоул-уммат» иттифок қилганлар. Агар яна: «Оятнинг маъносида «жинсий яқинлик» деган ибора йўқ-ку!» деб сўраса, унга: «Ижмоул-уммат»: «оятдаги «никох» сўзининг маъноси «жинсий яқинлик» деганлар» деб жавоб берилади». («Тафсири Ибн Жарир» («Жомил-баён»), 2-ж. 290-291-с.)

Ибн Жарир ўз тафсирида кироатлар хақида хам фикр юритади, кўпинча ўзининг ва бошқа кироат олимларининг наздида кироати хужжат саналмайдиган ва бундай кироат билан Аллохнинг каломига табдил ва тағйир етказадиган эътимодсиз имомлар кироатини рад қилади. Бундай асоссиз кироатларни зикр этаркан, уларга ўз фикри билан хулосалар беради. Масалан: «Ал-Анбиё» сурасининг 81-ояти: «Сулаймонга бўронли шамолини бўйсундириб (кўйдик)» тафсирида Ибн Жарир, барча қорилар « » калимасини фатха ҳаракати билан махзуф феълга мафъул сифатида ўқишларини, Абдуррахмон Аъраж эса замма ҳаракати билан мубтадо сифатида кироат қилишини айтиб, кейин: «Унинг кироати барча қорилар ижмоъ қилган кироатлардан ўзгача бўлгани учун ижозат берилмайди» деган хулосани чиқаради.

Ибн Жарирнинг кироатлар хусусида хам сўз юритиши унинг машхур кироат олимларидан бири эканлигидадир. Хатто олимлар унинг кироатлар хақида 18 жилдли китоб ёзганини, унда машхуру-гайри машхур кироатларни муфассал баён этиб, шарҳлаганини ва машхур кироатлар йўлидан қикмаган холда биттасини танлаб олиб ўзи кироат қилганини ривоят қиладилар. Афсуски, кўплаб ноёб илмий ҳазиналар сингари Ибн Жарирнинг бу асари хам замонлар тақозоси билан йўқолиб кетган ва бизгача етиб келмаган.

Ибн Жарирнинг тафсирида яҳудийлардан нақл қилинган хабарлар учрайди. Улар Каъб ул-Ахбор, Вахб ибн Мунаббах, Ибн Журайж, Ас-Саъдий ва бошқа аввалда яҳудий динида бўлган, кейин Ислонни қабул қилган уламоларга нисбат бериб ривоят қилинган. Кўпинча, Мухаммад ибн Исхок ривояти билан Маслама Ан-Насородан хам исроилий хабарлар нақл қилинган. Ибн Жарирнинг ўзи Маслама хақида шундай хабар беради: «Бизга Салама сўзлаб берди, у Ибн Исхокдан, Ибн Исхок эса Абу Итобдан нақл қилди... Абу Итоб (Маслама) кўп замонлар насроний динида бўлган, кейин Ислонга қирган, Куръон ўқиган ва динда фақиҳ бўлган эди. Бошқа бир ривоятда Абу Итоб қирк йил насроний динида бўлиб, Ислонга қиргандан кейин хам қирк йил яшаган».

Ибн Жарир юқоридаги иснодни айтиб, ушбу асли насроний бўлган одамдан «Ал-Исро» сурасининг 7-ояти: «Агар чиройли амаллар қилсангизлар- ўзларингизга яхшилик қилган бўлурсизлар. Агар ёмон-гуноҳ амаллар қилсангизлар хам, ўзларингиз учундир. Бас, қачон кейинги бузгунчиликпипг вақти-соати келганда, улар яна юзларингизни қаро қилишлари, аввалги сафар қирганлари қаби Масжид ал-Ақсога қириб, уни топташлари учун хамда ўзлари эгаллаб олган барча ерларни вайрон эшишлари учун душманларингизни яна сизларнинг устларингизга юборурмиз», тафсирида «Баний Исроил» нинг охириги пайгамбарлари хақида ривоятлар нақл этган.

Шунингдек, «Ал-Қаҳф» сурасининг 94- ояти: Улар: «Эй Зулқарнайн, шак-шубҳасиз,(шу тоғлар ортидаги Яъжуж ва Маъжуж (қабилалари) Ер юзида бузгунчилик қилгувчилардир», тафсирида шундай иснод билан ривоят қилади: «Бизга Ибн Хумайд Саламадан, у Мухаммад Ибн Исхокдан, у эса мусулмон бўлган, ажаллар хақида ривоят

кидадиган ва Зулкарнайн хакида хабардор бўлган баъзи ахли китоблардан накл килишича, Зулкарнайн Миср ахлидан чиккан бир киши бўлиб, унинг исми Марзубо ибн Мардуба Ал-Юноний – Юнон ибн Ёфас ибн Нух авлодидан эди». («Тафсири Ибн Жарир» («ТЖомииул-баён»), 16-ж. 14-с.)

Шундай килиб, Ибн Жарирнинг тафсирида исроилий ривоятлар жуда кўп келтирилган. Эхтимолки, унинг тарих хакида жуда катта асар ёзганлиги ва унда тарихий бахсларга жуда катта ўрин берганлиги тафсирда ҳам тарихга далолат килувчи исроилиётлардан кўп ўринда фойдаланишига таъсир кўрсатган бўлса, ажаб эмас.

Ибн Жарир ўзи накл килган исроилий ривоятларнинг аксарига танкидий назар билан караган бўлса ҳам, шу мавзунини ўз ичига олган тафсирлар сингари янада чуқурроқ, мукамалроқ таҳлил ва тадқиқ этилишига эҳтиёж ҳам имконият ҳам бор. Исроилий ривоятларнинг тўлиқ санад билан берилиши Ибн Жарирнинг накл килиш шартини урдасидан чикканлигини кўрсатади ва унинг тафсири кийматини оширади. Санад ва ривоятларнинг саҳих ёки заифлигини текшириш ва танкидчи назари билан таҳлил килиш бизнинг вазифамиздир.

Ибн Жарир тафсирининг яна бир ахамиятли жихати шундаки, бошка муфассирлар эхтимом килган, аммо уни билишнинг фойдаси ҳам зарари ҳам йўқ бўлган нарсалардан юз ўгириб, китобхонни ҳам шунга даъват килишидир. Масалан: «Ал-Моида» сурасининг 112-114- оятлари: «Хаворийлар: «Эй Исо бинни Марям, парвардигоринг бизга осмондан бир дастурхон нозил килишга кодирми?» дедилар», тафсирида Ибн Жарир Исо алайхиссалом ва кавмларига туширилган дастурхондаги таомнинг нави хакидаги ривоятларни келтиради ва унга муносабат билдириб: «Энг тўгриси шуки, дастурхонда емак учун таом бор эди. У таом балик бўлиши ҳам мумкин, нон бўлиши ҳам мумкин ёки жаннат меваларидан бўлиши ҳам мумкин. Бу таомнинг нима эканлигини билиш ҳам, билмаслик ҳам инсонга на фойда, на зарар келтиради. Оятни кироат килувчи киши Аллохнинг кудратига таслим этса, басдир», дейди. (Ибн Жарир тафсири, 7-ж. 88-с.)

Шунингдек, «Юсуф» сурасининг 20-оятини: «Уни арзон баҳода – бир неча тангага сотиб юбордилар, чунки улар Юсуфга кизикмаган эдилар», тафсирида Ибн Жарир аввал улуг муфассирларнинг Юсуф сотилган «бир неча танга»нинг миқдори тўгрисидаги ихтилофларини келтириб, кейин ўз фикрини баён килади: «Энг тўгри гап шуки, Аллох таоло Куръонда Юсуфнинг бир неча тангага сотиб юборилгани хакида хабар беради. Мазкур тангаларнинг сони ҳам, вазни ҳам на Куръонда, на хадисда айтилган.

Эхтимолки, тангалар сони йигирматадир, йигирма иккитадир, кирктадир, эхтимолки, озроқ ёки кўпроқдир. Қандай бўлса ҳам, арзимас бир неча тангадан иборат. Унинг миқдорини билишдан фойда ҳам йўқ, билмасликдан зарар ҳам. Энг мухими, ўша пайтда Юсуфнинг кадрсизлангани, акалари томонидан ҳам хўрлангани, мана шу хўрликка сабр килгани эвазига Аллох унинг мартабасини баланд кўтаргани, хакикат рўёбга чиккани хакидаги хабарга ишонмокликдир. Бундан ортикчаси такаллуфдан ва гумондан иборат. Ибн Жарир ўз тафсирида Куръон оятлари ҳамма тушунадиган машхур тилда нозил этилганига эътиборни каратади ва баъзи муфассирларнинг лугат бўйича килган баъзи таъвилларига ўз эътирозини ифода килади. Масалан: «Худ» сурасининг 40-оятини: «То Бизнинг фармонимиз келиб, ердан фавворалар отилган вақтда, Нухга дедик: «У кемага хар бир жонивордан бир жуфтдан чикаргин», тафсирида «танур» лафзининг маъноси хакида муфассирларнинг ривоятларини келтиради ва баъзи муфассирлар: «Танурдан мурод Ер юзи», баъзилари: «Субх чиккан вақти», яна баъзилари: «Ернинг энг баланд жойи», бошка баъзилар эса: «Нон ёпиладиган ўчок» деганларини айтиб, бу фикрларга

нисбатан ўз муносабатини билдиради ва дейди: «Бу таъвилларнинг бизнинг наздимиздаги энг макбули «Нон ёпиладиган ўчок»дир. Чунки араб сўзларида «танур» деганида биринчи тушуниладиган маъно шудир. Аллохнинг каломи эса араблар осон ва тез тушунадиган маънода нозил килинган, баъзи жойлардагина сўзнинг иккинчи маъноси назарда тутилган». (Ибн Жарир Тафсири, 12-ж, 25-с.) Ибн Жарир тафсирида Ибн Аббос розияллоху анху фойдаланган арабларнинг кадимий шеърларидан кенг равишда хужжат сифатида фойдаланганини кўрамиз. Масалан: «Бакара» сурасининг 22-ояти: «Бас, ўзгаларни Аллохга тенглаштирманг» тафсирида шундай дейди: «Ал-андод «нид»нинг жами, Ан-нид – тенг ва ўхшашдир. Хассон ибн Собит ўз шеърида шу мазмунда келтирган: «Сен уни хажв қияпсанми, ўзинг унинг тенги эмассан-ку!»». (Ибн Жарир тафсири, 1-ж. 125-с.)